

Икром Нарзулло

ВАҚТ ИЗИ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2014

**УЎК: 821.512.133–1
КБК 84(5Ў)7
Н 25**

Нарзулло, Икром

Вақт изи: шеърлар / И.Нарзулло. – Тошкент:
Faфур Fuлом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уии,
2014. – 88 б.

Ҳар қайси ижодкорнинг ўз қараси, ўз дунёси бўлгани дуруст. Умидли шоир Икром Нарзулло ана шундай ўзлигига эга ижодкорлардан. Ушбу “Вақт изи” деб номланган шеърлар тўпламини ўқисангиз шоирнинг “мен”ини, фалсафасини, эътиқодини топасиз.

**УЎК: 821.512.133–1
КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-03-563-8

© Икром Нарзулло
© Faфур Fuлом номидаги нашриёт матбаа ижодий уии, 2014



ДЕБОЧА

Икром Нарзуллонинг ушбу шеърий тўпламини ўқиб, олий маълумот сохиби, ҳукуқшунос ҳамкасбимиз шеъриятдан ҳам шунчалик хабардор экани мен учун янгилик бўлди.

Турли мавзуларда битилган шеърларни мутолаа қиласкансииз, уларнинг мазмунидан шоир миллий адабиётимиз дурдоналари, мумтоз шоирларимиз, ҳатто жаҳон адабиётидан ҳам баҳраманд эканига қаноат ҳосил қиласиз. Бир тўртлигини мисол келтирай:

Дерлар, Навоий назмида шакар бор,
Татиб кўр, айтарсан “боли-ку бисёр”.
Кимки бир сатрини дилга қилмиш жо,
Билсинки, у умр кетмабди бекор.

Икромжоннинг бу шеърий тўпламидан асосан унинг эркин ва бармоқ вазнидаги шеърлари ўрин олган. Лекин у билан ўтказган сухбатларимизда ёш шоирнинг ўзбек миллий мумтоз адабиётимизда қадимдан қўлланиб келинган 12 баҳрли асосида ёзиладиган аruz ваз-

ни сирларидан ҳам хабардор, ғазалхонликка кучли қизиқиши борлигига амин бўлганмиз.

Икромжон укамга бундан кейин ҳам Аллоҳ берган бу истеъдодини машқлар билан, янги янги шеърлар битиб, тараққий эттириб боришида Ўзидан мадад тилаб қоламан.

Шайх Абдулазиз МАНСУР



ИШОН, ОНАЖОН!

Кимни ҳам аярди замон шиддати,
Мудом алдамчилик дунё одати,
Аммо азиз эрур умр бисоти,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!

Қайғурма: “Боламнинг шошган пайти!”деб,
Куйинма: “Соддадил болам қайтди!”деб,
Ҳар лаҳза ўзимни ўзим овутиб,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!

Шукр, юпанчим бор — қора кўзларим,
Дилимни яйратар ширинсўзларим,
Ўтиб кетар бўлсам, қолар изларим,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!

Аслида, ҳаётда ким бор беташвиш,
Ўзингни англамоқ савоб, улуг иш.
Үйғоқ қалбга завқдир риёзат чекиш,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!

Гарчи кўнгил ичра дарду ғамлар бор,
Уларни маҳв этар куй-оҳанглар бор,

Мени кутаётган оппоқ тонглар бор,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!

Сўзи Икромингни азиз айлайди,
Бир кун сўзиники, олам тинглайди,
Бир инсон яшолса, шундай яшайди,
Бахтли яшаяпман, ишон, онажон!





ВАТАН

Агар сенга Ватан керакдир,
Сен Ватанга кераксан.
Сен Ватан ичра-ю, меҳринг йўқ,
Сен Ватандан йироқсан.

Баландпарвоз сўз билан
Ватан қадри англашмас.
Агар билсанг у бир тандир,
Сен ундаги юраксан.





* * *

Қуёш бўлиб
Порлашим мумкин.
Юлдуз бўлиб
Чорлашим мумкин.
Лек мен сенсиз,
Она Ватаним,
Бўлолмасман
Хатто бир учқун.

1994





ОНАМГА

Кадоқ қўлларингиз юзимга босиб,
Қайноқ меҳрингизни сезаман унда.
Фарзанд бўйолсам гар Сизга муносиб,
Ўзимни армонсиз атардим шунда.

Фарзандларга фидо гарчи умрингиз,
Миннат нималигин билмайсиз, она.
Биламан, Сиз оғир дардлар чекдингиз,
“Яхшиман” деб, кулиб турасиз яна.

Оҳ, шифо билмасман ҳеч дардингизга,
Ожизлигим кўриб беҳол қоламан.
Наҳотки етолмай мен қадрингизга
Армонлар ичидаги тўзиб, толаман.

Онажон, Сиз доим фараҳ-ла юринг,
“Жаннат оналар оёғи остидадир”,
Онажон, Сиз мени тарк этмай туриңг,
Мен кўзимга суртай жаннат изини...





ОДАМ БОЛАСИ

Ортмоқда оламнинг оху ноласи,
Сендан оғринмоқда еру самоси,
Ҳамон сен очкўзсан, нафс овораси,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Гоҳ ўзинг билмайсан истагинг надир,
Излаганинг дур-у, мулкинг фанодир,
Ўнгингда хавотир, сўлда хавотир,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Кўзларинг кулар-у, кўнглинг ғамхона,
Нима истаяпсан очундан яна?
Ер тўлиб, само ҳам чиқиндиҳона,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Тинчлик истайман деб, ясайсан қурол,
Ўз ўқингга нишон ўз боланг абгор,
Ер юзи порохга тўла бир орол,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Шуълани қуёш деб қилмагин даъво,
Зурриёдинг эрур ҳам шоҳ, ҳам гадо,
“Ақлинг”панд бердими дейман мабодо,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Кўқдан нажот истаб учасан ҳар ён,
Ерни абгор этган ўзинг-ку, инсон,
Сенга душман йўқдир нафсингдан ёмон,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Мени ўртамоқда бир ташвишли ўй,
Дунёни айладинг серташвишли уй,
Фараз, фисқу фасод, қабоҳатни қўй,
Сенга нима бўлган, одам боласи?!

Қара, шонли тарих саҳифаси бор,
Қара, қонли тарих саҳифаси бор,
Ахир сендан икки дунё умидвор,
Сенга нима бўлган, одам боласи...





ТАБИАТ

Шоир этди мени гўзал табиат,
Ажиб тил ўргатди дарахтлар сўзсиз.
Бағрига талпиниб бормайин қай вақт,
Таскин бера олди ҳеч бир овозсиз.

Ҳар фасли менга кўп ташбех ўргатди,
Бу ҳаёт бешафқат эканин кўп бор
Кузда у яланғоч бўлиб кўрсатди,
Ўргатди яшашни кенг ва беғубор.

Уқтирди оламни сўзсиз англашни,
Гиёҳлар шивирин сокин тинглашни.
Кўрсатди баҳор, ёз, куз ва қишида,
Рангларнинг минг турли товланишини.

Шоир этди мени гўзал табиат,
Ўргатди, англатди бари-барини.
Кўрсатди у ютиб ғубор, чангларни,
Қандай кутмоқ лозим оппоқ тонгларни.



ВАТАН ШАЬНИМИЗДИР

Кувончу дардини баҳам кўрайлик,
Ватан бир, бир умр бирга бўлайлик.
Йиғласа йиғлайлик, кулса кулайлик,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Дунёда боримиз, шонимиздир у,
Ҳеч кимга топтатмас шаъниимиздир у,
Беминнат, беғараз, тотли нон-суви,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Инсон қадрининг ҳеч ўлчови йўқдир,
Мудом бириси оч, бириси тўқдир,
Бироқ энг оғири ватансизликдир,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.

Мехрин жо этайлик пок кўнгилларга,
Бағрин тўлдирайлик тоза гулларга.
Кувонч, баҳт ёғилсин кўқдан элларга,
Кел, Ватан мадҳини бирга куйлайлик.



ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ

Азоблар остида қолиб кетаман,
Баъзан кўтармоқдан толиб кетаман.
Наҳот боболардай нолиб ўтаман?
Йўқ, мен жаҳолатдан ғолиб ўтаман!

Андуҳлар қувончни емириб яшар,
Армонлар орзуни симириб яшар,
Алдовлар ҳақлиқни кемириб яшар,
Лек мен жаҳолатдан ғолиб ўтаман.

Тунларсиз юлдузлар порлаган эмас,
Зулмат қуёшни ҳеч хорлаган эмас,
Жаҳолат баҳт сари чорлаган эмас,
Лек мен жаҳолатдан ғолиб ўтаман...

1994





ТАШВИШЛАР

Хар тонг кўзларимда кичраяр дунё,
Ташвишлар улғаяр – даҳшатли туман.
Кўролмам ортида нимадир рўё.
Юк бўлиб босади шубҳаю гумон...

Барибир курашга чорлайди юрак,
Порлок орзуларнинг висоли яқин.
Андухлар бағрида емрилмас тилак
Булутни тилса гар муҳаббат — чақин.

1994





ХОЛАТ

Рухимда ожизлик хукмрон,
Хатолар устимдан кулади.
Ўтаётган йиллар беомон
Умидим бағрини тилади.

Қалбимда музлайди наволар,
Аламдан туйғулар бўзлайди.
Чеки ўқ, ўзи ўқ армонлар
Бағримдан ошён излайди.

Барига чидайди бардошим,
Сатрга тизилар дардларим.
Муҳаббат — қалбдаги оташим,
Қувончга айланар дардларим.

1994





УМРИМНИ ҚИЗҒОНСАМ...

Томирда қон эмас, армонлар оқар,
Үтаётган ҳар он илондек чақар.
Фанолик йўлимга машъалин ёқар,
Faфлатдан умримни қизғонсам агар.

Дунё, кўзларингда минг бир маломат,
Туну кун юракда йўқдир ҳаловат.
Онгим азобларни қилар тиловат,
Faфлатдан умримни қизғонсам агар.

Гарчи кўрганларим азобдир менга,
Ҳар бир қайғуришим савобдир менга.
Умрим бир саволсиз жавобдир менга,
Faфлатдан умримни қизғонсам агар.

1994





ВАСЛИНГ

У бир наво, тузиб бўлмас,
У бир дарё, сузиб бўлмас,
У бир сахро, кезиб бўлмас,
Лекин умид узиб бўлмас.

Недур васлинг, оташму ул,
Синовларга бардошму ул,
Азобларга йўлдошму ул,
Лекин умид узиб бўлмас.

Бу дунёдан кечсам бўлар,
Йўқлик сари учсам бўлар.
Қачон васлинг қучсам бўлар?
Ундан умид узиб бўлмас...

1994





ОЙДИН ТУН

Ойдин тун,
Нозланиб сузмоқда малак.
Олис-олислардан милтиирап юлдуз,
Негадир юпун...

Нимадандир безовта юрак,
Соғинчданми ғамдан, билмадим.
Наҳотки мен ўз юрагимни
Бугун ўзим тушунолмадим.

1994





ШАХМАТ ҲАҚИДА

Отнинг оёғи синик,
Фил боши гаранг.
Тўрага-ку йўл йўқ,
Фарзин ҳоли танг.
Пиёдаларсиз...
Шоҳнинг ҳолини,
Англагандирсиз,
Пиёдаларсиз...
Бу-ку, бир ўйин,
Завқли, ҳайтовур,
Дўстлар, дунёни
Қилинг тасаввур
Пиёдаларсиз...

1994





ТУН

Эсаётир майин шаббода,
Сайрамоқда тун чигирткаси.
Мен кезаман хаёлий боғда,
Қучогимда кўнгил эркаси.

Япроқларнинг секин шивири,
Порлоқ юлдуз ҳамроҳдир менга.
Кўзларимда умид сурори,
Тонг — гўзал қиз, муштоқман сенга.

1994





МЕН БИР ҚУШМАН

Мен бир қушман,
Сайрамоқдан
Хеч армоним йўқ.
Алам қиласар,
Сайрайвераман,
Ҳатто юрагимга
Тегса ҳамки ўқ...

1994





ОДАТ

Күёшни қувониб
Кутиб оламан,
Сўнг ғамгин,
Кузатиб кўяман
Унинг нурларини суюман
Ва шу нурларида куяман...

1994





ДУНЁ

Дунё шу,
Чидаган яшайди,
Дўстим.
Ошиқларга ҳижрон
Унинг инъоми.
Дўстларга айрилиқ
Тилар ҳар они.
Қувончни кўролмас
Ғамгин қўзлари.
Ундан қолари фақат
Армон излари.

1994





ИШҚ АФСУНИ

Гўзаллиқда тенгсиз бир кеча,
Зиё сочар ойнинг чехраси.
Барчасидан гўзал, ўзгача
Ошиқликнинг бу илк кечаси.

Суратингни чизар соғинч, хаёллар,
Жилмайиб ёнимда бўласан пайдо.
Ишқинг кўзларимни маҳкамроқ бойлар,
Хуснингга тамоман бўламан шайдо.

Бўсалар оламан гул ёнофингдан,
Дийдорингга тўймас сира кўзларим.
Сўнг ўзим уялиб бу гуноҳимдан,
Ёлғон хаёлларга бераман тўзим.

Сен тарк эта бошлайсан мени,
Яна ёлғиз қолгум, начора.
Бир кечада ишқинг афсуни
Қилиб қўяр мени бечора...



* * *

Эй, дилбари дилором,
Үқ этдинг нигоҳингни.
Йўқ ихтиёр, йўқ ором,
Энди юв гуноҳингни.

Хароба йўл, хоро дил
Мана, ўтсиз ёняпман.
Ўйлаб эдим сени – гул,
Энди бундан тоняпман.

Қароғимда қаро доғ,
Менга ғамни ёр этдинг.
Эй, дилбари дилором,
Сўнг ўзинг қайга кетдинг?

1995





ТУШКУНЛИКДА

Дунё зулумотга
Айланар, гўё,
Кўринмас ҳеч ким.
На бир учқун
Умид нишонасидан.
Фақат ўпиш мумкин
Ёлғизликнинг совуқ
Пешонасидан.

1995





ШЕЪР

Шеър – юракнинг лаззати,
Ёзилса – хандон қилур.
Шеър – ҳаётим, қисматим,
Устозим отам бўлур.

Аммо шеър оҳангини
Алласи-ла қалбимга
Лиммо-лим тўлдиролган
Мунисим онам эрур.

Сатрларим оралаб
Юзин турфа ранг бўяб,
Ҳар они ташбек талааб,
Ҳаёт қошимда туур.

Шеър – юракнинг лаззати
Ёзолса хандон қилур.
Ёзолмаган кун кўнгил
Ёзилмас бир тугундир.

Шеър – юракнинг лаззати...

1995



КУЗ

Гулзорини тарк этган
Булбул,
Япроғидан айрилган
Бир гул,
Аммо яна ўртанаётган
Шу хаста кўнгил...
Заҳмат чекиб
Толиқар кўзлар,
Вақт касрига
Салқийди юзлар.
Шунда яна
Хаста ҳолига
Ўтинч ила
Бари-барига
Пайваста кўнгил.

1995



КҮРМОҚҚА КҮЗИМ ЙҮҚ...

Ох, қалбинг күрмоққа күзим йўқ,
Нурсиз бу кўзларим, ожизман.
Бу тилим сўзлари, ўзим йўқ,
Сен мени излама, мен сўзман.

Лабларим қўмсайди лабингни,
Лабинг йўқ, бу фақат афсона.
Агарда кўрсайдинг қалбимни,
У сенга мутлақо бегона.

1996





* * *

Кўзларинг қароси
Мени адаштирган тун,
Оқлари –
Мен чўкиб бораётган
Уммон.
Юзинг ўша тунда,
Уммон устида
Нозланиб сузаётган
Малак...

1995





БАҲОР

Гулзор узра сузади хаёл,
Дарду ғамдан холи бир зумга.
Бул кун сира келмайди малол
Бедорлик ҳам бедор кўзимга.

Енгиллашар күш каби таним,
Гўё йўқдай қалбимда ғубор.
Роҳатланар, роҳатда жоним,
Юзим силар нозанин баҳор.





* * *

Умр ўтар,
Йўқ-йўқ,
Ёнар ловуллаб...
Сўнг вақтнинг чўғида
Оlamнинг қизийди тандири.
Ўзи унга
Сув сепади қудрати ила,
Сўнгра узиб олар
Қизарган бўлса гар
Кимнинг тақдири...





* * *

Яратган қисматга
Битмишдир қалам,
Қалбнинг ойнасида
Олам акс этар.
У бундан маст бўлиб,
Қилса армуғон,
Армонлар, ҳижронлар,
Ғамлар рақс этар.





ОНА ВАТАН

Марду майдон боболар ҳаққи,
Мехрин берган момолар ҳаққи,
Фидо бўлган сиймолар ҳаққи,
Юрагимда офтобинг тафти,
Она-Ватан, гул тутай сенга.

Нолимайман, бағрингда ўсдим,
Тоғларингдек баланддир кўксим.
Қабул айла менинг дил сўзим,
Сенинг билан нурлидир кўзим,
Она-Ватан, гул тутай сенга.

Ой юзингга ҳеч тушмасин доғ,
Элим бўлсин белингга белбоғ.
Яшнасин ҳар кўксингдаги боғ,
Она-Ватан, гул тутай сенга.

Сен гўзалсан, кўз тиккан ҳам кўп,
Йўлларингда кўз тикан ҳам кўп.
Бўл дунёда суюқдан суюқ,
Она-Ватан, гул тутай сенга.



“ОНА” СҮЗИ

Табиат сўзига қўшамиз кўпроқ,
Унинг азизлигин англатмоқ учун.
Бу сўз оҳангидан титрайди мудроқ,
Ҳар сўзниңг англатар мубораклигин.

Онани эъзозлаб яшайди башар,
Унга интиқ яшар ҳар бир тирик тан.
Шул сабаб янада муқаддаслашар
“Она” сўзи қўшиб айтилса Ватан.





САМАРҚАНДИМ

Эй Самарқандим,
Эй қадим шаҳрим.
Беҳишт билан ораси
Бир одим шаҳрим.
Хофиз айтганидек,
Сайқали заминсан.

Бағрингдан сочилгай
Мудом нур, зиё.
Абад фаҳр қиласин
Сен билан дунё,
Бебаҳо шаҳрим.

Ҳар тонг ўзин урап
Бағрингга қуёш.
Ҳар кеча малаклар
Сен билан сирдош,
Авлиё шаҳрим.

Пойингда мавжланар
Олтину зар шодаси*

* Зарафшон дарёси.

Бағрингдан тинмай эсар
Майин Шарқ шаббодаси,
Қадрдон шахрим.

Европани кездим,
Русда ҳам бўлдим.
Мехрингни олисдан
Теранроқ сездим,
Дурдона шахрим.

Оlam ичра тенгсиз
Бир дона шахрим,
Эй Самарқандим...





ТОНГ

Оппоқ тонг,
Севаман сени қанчалар.
Қаро тун пардасин йиртганинг каби
Хаёт юзларига ёпишган доғни
Сидириб ташлайсан
Хар сахар.

Оппоқ тонг,
Севаман сени қанчалар.
Қизил қонига ботиб,
Үзин маҳв этмоқчи
Бўлган дунёни
Нурли уфқларга бошлайсан
Хар сахар.

Оппоқ тонг,
Мехрингни сезиб,
Олқишлиб кутиб олишар
Сахархез қушчалар.

Сени деб юз очар,
Миллион хил ғунчалар
Ҳар сахар.

Оппоқ тонг, гўзалсан бунчалар,
Мен сенга муштоқман,
Сенга зор.
Борлик ҳам ҳар сахар
Сендан умидвор...





САРАТОН

Куёшнинг нурлари
Чўғга айланди.
Хатто қаноти қизиб
Кушчалар ҳам
Ховузлар, ариқлар томон шайланди.
Куёшнинг нурлари
Чўғга айланди.
Ёноқлари қизариб ўриқ, шафтоли,
Тўкин дастурхонга кўрк бўлиб қолди.
Кўкариб кўринган олма юз очиб,
Ёкутдек қирмизи рангга бўялди.
Заррин нурлар ичра товланиб осмон
Самовий бир уммон тусини олди..
Бошоқдан айрилди тилларанг сомон,
Жизилловуқ уни най қилиб чалди.
Куёшнинг нурлари
Чўғга айланди.
Куз, қиш заҳматини
Сезаётган ер
Баданин яхшилаб қиздирди, ёнди.
Куёшнинг нурлари
Чўғга айланди...



СЕНТЯБРЬ

Мезон шамолларида
Сочлари тўзиб
Япроқсиз дарахтлар аро
Юзлари қизариб,
Ер чизиб,
Ақраб йўлларига сарғайиб
Боқар сентябрь.
Кузак сувларида
Баргларга қўшилиб
Сокингина
Оқар сентябрь...





* * *

Бобом айтган афсонага

Ўхшайсан, дунё.

Момом айтган ривоятнинг

Ўзисан гўё.

Эшикларинг очилиб

Ёпилган чоғи

Гоҳо тонг отади,

Гоҳ тун – зим-зиё...





ҚАЛБИНИ ТИНГЛА

Кўлига қалам бер жажжи болангнинг
Онгидা борини чизар қоғозга.
Унда баён қилар кўнгил ҳолини,
Бор-йўқ тасавурун қўяр овозга.
Тасанно айтасан ёлғиз Ўзига,
Унга зеҳн берди англамоқ учун.
Сен ҳам теранроқ боқ боланг кўзига,
Кулоқ сол қалбини тингламоқ учун.





ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИГА

Сенга ном бермаган
Нечун меъморинг,
Асло билмадим.
Сени “Ақл минораси”,
Дегим келади.
Тепангдан ер узра
Боқкан ҳар одам
Инсоннинг ҳаётда
“Заррадек” эканин
Яққол кўради.

Париж, 2011





ЛОЛА ДАРАХТИ*

Мана, етти йилки яшаб ёнма-ён,
Шошқалоқ йилларни бирга кузатдик.
Келбатинг чинордек, гулинг йўқ ҳамон,
Мен эса гуллашинг кутаман интиқ.

Қисматинг кўп қизиқ, Лола дарахти,
Музлик давридан ҳам ўтган экансан.
Ҳатто эллар ичра тарқалса ўлат,
Уларга шифо ҳам бўлган экансан.

Сени севар экан она табиат,
Бағрида беш юз йил сақларкан гоҳо.
Бежиз тўқилмаган сенга афсона,
Сенда хислат бисёр, яна бебаҳо.

* Liriodendron Tulipifera, Шимолий Американинг шаркий қисми, Яngi Англиянинг жануби, Аппалачи ўрмонларида кенг тарқалган, бўйи 50 метрдан баланд бўладиган, танасининг диаметри 3 метрдан ошадиган, беш юз йилгacha умр кўрувчи, магнолия гулли ўсимликлар оиласига кирувчи дарахт. Liriodendron грекча сўз бўлиб, “Лилия”дарахт маъносини билдиради. Пойтахтимиздаги “Ҳазрати И мом” мажмуаси хиёбонига ҳам ушбу дарахтдан уч туп экилган.

Қадрдоним сен ҳам, Лола дарахти,
Кўзим ўзимдан кўп сенга тушмоқда.
Гулсимон баргларинг қучиб орзулас,
Сарғайиб пойингда ерни ўпмоқда.

Ёлғиз ўсаяпсан, Лола дарахти,
Атрофингда гарчи дарахт кўп турдош,
Сен улар ичидан излама сирдош,
Лола дарахти, сен гулга қариндош...





ҚАЛАМИМ

Ёзсанг-чи қаламим,
Нега ёзмайсан?
Хайқирсанг-чи тингласин олам.
Ахир сен ҳам
Мафтункор бир най.
Юракда туғилар
Ташбехлар, куйлар,
Сенинг ёзмоғингга
Муштоқ туйғулар.
Тортинмагин, ёзгин борини,
Гўзал ҳаёт рангларини чиз,
Одамлар, оламлар,
Дардларин тингла
Ҳаёт достонига
Ёз гўзал тақриз.



ХОТИРА

(Дўстим, жигарим Гафур Яхшини хотирлаб)

Ёзилмаган достонлари қолди унинг,
Айтилмаган армонлари қолди унинг.
Нолинмайман, бу ҳам тақдир ёзмиши,
Яратганинг Ўзи эрта олди уни.

Дўстлар, унинг гўзал шеърлари қолди,
Сўзлардан тизилган дурлари қолди.
“Чилланинг қоридай совуқ тақдирим”,
Дея ўз қисматин айтиб ҳам олди.

Ақлу заковатда кўп комил эди,
Бир куни “Тоғойи, мен шоир” деди.
Ўқидим шеърларин – мукаммал, пишиқ,
Ловуллаб турибди оташин бир ишқ.

Дедим: иним, Сиз катта шоир-ку,
Фасоҳат, балоғат бари мужассам,
Унда биргаликда қилайлик тўплам.
Насиб айламади буни Яратган.

Юлдуздек, ярқ этиб ёнди-ю кетди,
Билмадим, кимлардир балки унуди.
Менинг хотиримда яшар тирикдек,
Маҳзун юрагимнинг битмас кемтиги.

Йўқ, ҳали умид ва орзу сўнмаган,
Ё насиб, шеърлари тўплам бўлажак.
Шунда Ғафуржонни билган, билмаган,
Сатрлари ила сухбат қиласхак...





БАШОРАТ

Менинг бошимга
Етмас ғам-алам,
Ёрилса қувончдан
Ёрилар юрак,
Гўзалликнинг асл
Юзларин кўргач...
Йўқ, йўқ, ёрилмайди,
Балки шунда ҳам
Бир алвон гул каби
Очилса керак
Гўзалликнинг нурли
Юзларин кўргач...
Мени маҳв этолмас
Асло ғам-алам.

1995



ТҮЛИН ОЙ

Йўлдан адашишдан

Кўрқсан йўлчидай

Бугун ҳам ортига

Қайтди тўлин ой.

Юрагига сиғдиролмай

Муҳаббатини,

Юзлари қизариб,

Гўзал уфқقا

Айтди тўлин ой.

1995





ЎТИНЧ

Кун сайин тугалиб бормоқда тоқат,
Тобора чўзилиб ҳижрон тунлари.
Мен сендан, фариштам, сўрайман шафқат,
Ахир ижобатдир дил ўтинчлари.

Дардимга малҳам бўл, кел-эй бир нафас,
Азоб уммонидан тортиб ол мени.
Керак эмас менга бўса ила ноз,
Кўзим қаросида кўрсам бас сени.





ҚОР ЁҒА БОШЛАДИ

Қор ёға бошлади
Гүёки само
Мұхаббати битилган
Зар парчаларин
Ер узра
Соча бошлагандай.

Қор ёға бошлади
Гүё мовий ранг осмон
Кўкси тўлиб кетганидан
Оппоқ сирларин
Она ерга секин
Оча бошлагандай.

Қор ёға бошлади
Ёқимли, майин,
Гүёки фалакдан
Оппоқ ун эланди.
Заҳматдан заминнинг
Қорайган юзи
Яна оқликка беланди.

Нур ёға бошлади
Гүё кўқдан дилимга.
Энг эзгу ҳисларим уйғонди,
Тикилдим-у оппоқ йўлимга,
Кўзларимда муҳаббат ёнди.
Нур ёға бошлади
Муштоқ кўнглимга...





НИГОҲЛАРИМ ТУШСА

Нигоҳларим тушса “Беҳаё”дединг,
Ишқимни сўзласам “Қил ҳаё”дединг,
Илинж-ла боқсам гар “Мен ҳаё” дединг,
Наҳот, гул тутолмам қўлингга ҳатто.

Бунча бу кўнгилни айладинг ҳазин,
Ёлғиз,бечорага айлагин таскин,
Унга кифоядир бир ширин сўзинг,
Наҳот, кўз тиколмам йўлингга ҳатто.

Ишқнинг нурларига ўрайин сени,
Ишонгин, азизам, қўлинг бер менга,
Сен айлан, малагим, гўзал севгимга,
Севгимнинг кафили – юрагим сенга.





БАҲОР ҚАДАМИ

Тушиб қолди қиши ховуридан,
Базўр чиқар ичидан дами.
Эшитилар февраль ортидан
Яқинлашган баҳор қадами.

Кўтаради майсалар исён,
Шовқинидан кўз очар борлиқ.
Қовоғини уйса ҳам осмон,
Тибиатда бор беғуборлик.

1995





ҚИШ

Үйноқлаб ёғмоқда қор,
Қарасанг кўз қамашар.
Аёз олган бўсадан
Қизарib юз ачишар.

Қушчалар чирқиллайди,
Дон излаб қор остидан.
Қуёш ҳеч чиқолмайди
Пар булутлар дастидан.

Қарғалар қўшиқ айтар,
Қувноқ, ўзин тилида.
Қиши ҳам севинч уйготар
Гўзал ҳаёт қўйнида.

1990





ДУНЁ КЕНГ...

Дунё кенг шунчалар,
Тасавурингдан ҳам кенгроқ.
Фақат сен буни англайсан,
Эркам, кейинроқ.
Сочлар ва қошларга
Қўлсиз мусаввир
Тортганда бўёқ,
Сен буни англайсан,
Эркам, теранроқ.
Дунё кенг шунчалар,
Сен ҳам кенг бўлгин...

2013





ҚАЛАМ ВА ҚОФОЗ

Хайратга солади баъзан кишини,
Кўринг-чи, қалам ва қофоз ишини.
Қалам қора қилиб қофознинг юзин,
Иккиси бошқарар бутун ер юзин.

Қофозга битилган борлиқ тасвири,
Унда жам оламнинг ҳикмати, сири.
Очилмаган сирлар ҳали қаламда,
Шул сабаб тиним йўқ ахли қаламда.

Мен қилдим мухтасар улар сўзини,
Уларга суяниб қолдик шунчалар.
Ким писанд қилмасдан ўгирса юзин,
Йўқотиб қўйиши тайиндир ўзин...





БОЛАЖОН

Шошмагин, болажон, шошмагин,
Бу ҳаёт баланд, паст,
Сен адашмагин.
Дуч келган йўл сари
От солмагин ҳеч.
Мақсадсиз сарсари
Санқишилардан кеч...
Ҳаёт бир лаҳзангни
Қайтиб бермайди.
Шошмагин, болажон, шошмагин,
Сабр эт бир нафас.
Қарагин мозийга, ҳар нафас
Ундан сабоқ ол.
Сўнгра кўзларинг
Боболаринг юрган
Ишончли ойдин
Йўлга ташлагин.
Шошмагин, болажон, шошмагин,
Сен адашмагин...



ВАҚТ

Йиллар измингда,
Асрлар измингда,
Шиддат бор
Қамчингдан тўқилган
Ҳар бир лаҳзангда.
Етолмайман ҳеч сенга,
Етиб келганман гарчи
Йигирма биринчи асрингга.
Ҳа, сенга етмоқчи бўламан,
Сен жуда бешафқат, биламан.
Мана, пешонамга имзосиз ёздинг,
Бугун ўттиз тўққизни.
Чархпалагинг айланади теграмда,
Бошни эгмоқ, букмоқ бўлади тизни!
Аммо мен кўнглимда ҳамон
Бир минг тўққиз юз
Етмиш тўртдаги
Ўша, сен учратган мургак боламан.
Фақатгина нафсим
Каттарган холос,
Шунчалар катта у, ўзимга сиғмас...

Ва бутун дунёни ютмоқчи бўлар,
Минг афсус, у мени тингламас,
Ўжар ва бўйсунмас.
Ҳа, ҳа, бу нафс дегани
Тўқсонда, юзда ҳам навқирон қолар,
У фақат сени тан олар.
Сўнгги ҳукм ўқилгач эса,
Бир қултум сувга зор какшаб ўлар.
Вақт, сенда кўним йўқ,
Менда ҳам тиним йўқ.
Оёғим чиқиб, эсим танибманки,
Ортингдан жон-ҳалак,
Чопиб юрибман,
Сенга ҳеч ким етолмаган,
Сени ҳеч ким тутолмаган,
Буни яхши биламан.
Лекин сен ҳам билиб қўй,
Мен сени ҳар куни албатта,
Тонготарда кутиб оламан.
Сўнгра сатрларда чизиб, тасвиirlаб,
Икромнинг вақти деб, имзо қўяман,
Ўқисин шошқалоқ юрак шивирлаб...



ҲАЁТ ЧИРОҚЛАРИ

Серқатнов йўл...
Лаҳзалардек шошар одамлар.
Мен турибман қизил чироқда,
Йўл кўрсатди сизга яшил ранг.
Қиё боқмай ўтиб кетдингиз,
Хоргин нигоҳларим ерга тўкилди...
Мен қўл силтамадим,
Тортиндим чоғи,
Ахир қизил эди
Йўлнинг чироғи...
Ҳаёт чироқлари жуда ранг-баранг...
Аммо бир вақтда ёнар турфа ранг...
Эҳ, буни қаранг,
Бир шаҳарнинг
Йўллари оралаб,
Ёнма-ён яшаб,
Учрашмадик сира, азизам,
Йўқ, йўқ, учрашолмадик,
Нигоҳлар тўқнашди гарчи неча бор.
Шу ранглар сабаб
Ҳол ҳам сўролмадик
Бир-бири миздан.

Кетяпмиз рангларга қараб
Үз йўлимииздан...
Серқатнов йўл узра,
Турибман яна,
Менга йўл кўрсатар яшил ранг,
Сизнинг йўлингизда қизилдир чироқ.
Истардим сиз билан учрашишни,
Чироқлар бир вақтда ёнмади бироқ...
...Қисқагина йўлимиизда бунча кўп чироқ...





“СИР” ДЕГАН ОДОБ

Нигоҳлар тўқнашар, титрар кўнгиллар,
Севги шаробими, маст этган уни.
Эҳ, фунча ҳолида узилар гуллар,
Селдайин оқади ёшликнинг куни.

Диллар бир-бирига сўzsиз боғланган,
Ортиқча таърифни истамас юрак.
Шўх кўзлар тун бўйи уйқусиз қолган,
Тонг-ла висол истар, тинмас бу юрак.

Оҳ, қандай бетакрор, яна тотлидир
Ўткинчи умрда “Ёшлик” деган боб.
Ахир севгида ҳам кўнгил кўзи бор,
Бор-ку, севгида ҳам “Сир” деган одоб,

Жондан азизларим, севинг, севилинг,
Авайланг, эъзозланг бир-бирингизни.

Сизларга яна бир ўтинч бор менда:
Севги изҳор этиб дуч келган жойда,
Уни кўз-кўз қилиб кўча куйларда,
Гўзал севгингизни қилманг шарманда...

Билинг, муҳаббат-ла бизни бор этган
Муҳаббати ила ихтиёр этган.
Азиз муҳаббатни сира хор этманг,
Адашиб, дунёдан унга зор кетманг...

Жондан азизларим, севинг, севилинг,
Аммо муҳаббатни қилманг шарманда...





ОТАМНИНГ ДУОСИ

“Завол топмагин ҳеч,
Кўргин омонлик.
Фарзандим, ҳеч кимга
Қилма ёмонлик.
Душманни паст билма,
Бундан ҳам мушкули –
Юрагинг парчасин берсанг-да,
Дўст билан душман бўлма...”
Ота, дуоингиз ижобат, билдим,
Гарчи бу толе сирли ва чапдаст.
Ота, сўзингизга мен амал қилдим,
Кўнглим йигласа-да, душманга кулдим.
Қоқилсам хаётда, дўст деб қоқилдим,
Дўстлар учун кенг бўлдим жуда...
Отам яна насиҳат қилди,
Дуо айтди узундан-узун...
Уларни юракка жойладим.
Отам дуосини тугатиб шундай,
Бир ўйчан қаради ва кулди мамнун.
Мен эса чунонам яйрадим:
Уммон ичра адашиб, сўнгра
Соҳилини топган одамдай.



ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғиз ўзим
Хиёбон кезяпман
Мудом
Ёлғиз юрагим билан.
Сен ҳам
Ёлғизмисан
Жимгина
Хиёбонда кезган
Эй одам?..
У маъюс,
Жавоб ўрнига
Ташлар қадам...
Хувиллаб қолади
Хиёбон.
Увиллаб йиглай бошлайди
Шамоллар қўйнида
Беомон –
Юзлари юлинган,
Сочлари тўзғиган,
Ҳаётдан ўксиган
Армон...



* * *

Кунлар ўша-ўша, тунлар ҳам ўша,
Гўёки ҳеч нима ўзгаргани йўқ.
Лекин юрагимнинг қай бир бурчида,
Сезяпман оғриқ...
Балки бу шафқатсиз йиллар залвори,
Балки бу умрнинг қайтмас баҳори.
Балки бу соғинчнинг унсиз шивири,
Балки бу юракнинг илоҳий сири.
Кунлар ўша-ўша, тунлар ҳам ўша,
Гўёки ҳеч нима ўзгаргани йўқ...





ЮРАГИМНИНГ КАШТАНИ...

Хиёбон кезаман, юрагим қувнок,
Оппоқ қандилмисол гуллаган каштан.
Мени қарши олар, яйраб кетаман,
Гўё гули бўйини олган беҳиштдан.
Кўчалар, хиёбон ва боғлар аро,
Кўрк бўлиб турибсан, гул очар дарахт.
Мен сенга бўлайин қандай бепарво,
Туну кун шифобахш нур сочар дарахт...
Ҳаёт қувончлардан иборат эмас,
Хижрон кунида ҳам менга бўл ҳамроҳ.
Сен такрор яшнайвер гул очиб қийғос,
Мен жўшиб куйлайн шоирларга хос,
Сенинг гул суратинг сийратингга мос.
Туну кун шифобахш нур сочар дарахт...
Чин дўст топиш нозик замонда,
Кел, сен билан дўст бўлай, каштан,
Кезиб турай хиёбонингни,
Завқ оламан сенга боқишдан.
Сен оддий дарахтмас
Кўнглимда ўсаётган,

Илҳомбахш гулсан
Юрагимнинг каштани...
Кўнглим хиёбонин безаб тур ўзинг,
Бу оппоқ гулларинг сенинг дил сўзинг,
Бу илҳақ мисралар менинг дил сўзим...
Хира тортмасин ҳеч сенинг гул юзинг,
Юрагимнинг каштани...





ВАҚТ ИЗИ

Одимлайсан
Жуда ҳам енгил,
Аммо тезкор қадамларингдан
Ларзага келмоқда
Титраб бу кўнгил.
Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам
Пешонамдан ўтиб-қайтасан.
Қара, пешонамга
Ботган қатор-қатор
Изинг бор, эй вақт.
Асли мен ўткинчи,
Лек сен бетоқат...





ДИЛДАН СЕВСАНГ...

Софинган кўз, интизор юрак,
Йўлларингга муштоқман гарчи...
Софинчларни бардошга ўраб,
Хижронлардан ўргум аргамчи.

Ха, бу шундай ишқий бир ҳолдир,
Ахир қайноқ юракнинг ўзи.
Дилдан севсанг, нурли из қолдир,
Ёргуғ бўлсин севгининг юзи.

1994





ШИМОЛИЙ ДЕНГИЗГА

Қарайман, охиринг кўринмас,
Қирғоққа урилиб чайқалар,
Юзларинг сўлғиндир, тиникмас –
Кўряпман минг хил доғ, лойқалар.

Ох, денгиз бунчалар дардлисан,
Кўксимга ургандек бошингни
Силкиниб-силкиниб йиғлайсан
Юзимга сачратиб ёшингни.

Эҳ, инсон жабрини чеккандан
Бағринг ҳам қоп-қора бўтана.
Азоблар учун мен тиз чўкай,
Ғазабланма, ўч олма яна!..

Кечир, денгиз, мен куйламадим,
Сенинг тенгсиз гўзаллигинги.
Кўриб ҳолинг хаёлга толдим,
Ўйлаб узоқ келажагингни.

Қарайман, охиринг кўринмас,
Гўё у тулашган самога...

Гамбург, 2011



КУЛАЁТГАН ОДАМ

Сен қандай куляпсан
Эй қувноқ одам?
Мен эса йиғлашга
Тополмам күз ёш.
Хаётдан кулишни
Үргат менга ҳам,
Ё айт, кулолмасми
Эгилмаган бош?
Энди йиғлаяпсан
Кулаётган одам,
Кулганлар сўнг йиғлаб
Кетганлиги рост.
Қўйгин, бу ҳолингга
Тутмагин мотам...
Майли, қалбан қувон,
Хушёр тур фақат.
Тириклик бир фурсат.
Бу дунё кулгусин
Ёлғонлиги рост.



НОЯБРЬ

Юзлари тунд,
Азоблар айрилиқ онлари,
Аёзга дуч келар тунлари,
Үтмоқда саноқли кунлари.
Қавснинг қировли қўйнида
Этлари жунжикар тонглари
Қаролмас ялангоч боғларга,
Кўз ёши қилиб боради
Саргайган тоғларнинг бағрига.
Кезинар қишлоғу шаҳарни,
Хазонли кўчада тентираб
Изини излайди баҳорни.
Ўттизинчи кунининг
Нақд ярим тунида
Етиб они, тугаб фурсати
Декабрга мўралай бошлайди
Юрагида баҳор севгиси.
Ёпиб кузнинг эшикларини
Кумуш қишининг остонасига

Ҳорғингина қадам ташлайди.
Яна унинг кулмади бахти,
Қолиб кетди яна қўлида
Севгиси битилган дастхати.
Ноябрь – ҳижрондан юзлари тунд,
Кезинар қишлоғу шаҳарни.
Хазонли йўлларда тентираб
У ҳамон излайди баҳорни...





ХАЁЛЛАР

Кунлар хайирини айтмоқда бир-бир,
Нақд кўнгилга санчар вақт игнасини.
Йиллар юрагимдан сўрайди сабр,
Бузмоқда умримнинг кошонасини.

Телбадек ҳолимга боқаман ҳайрон,
Сендан айро, сарсон, тўзгин хаёллар.
Кўйинг, мен ўзимни топиб олайин,
Кетинг, эй узундан-узун хаёллар.

Кунлар хайирини айтмоқда бир-бир,
Йиллар юрагимдан сўрайди сабр.





УМР ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА...

Дўст-қадрдон учрашолмаймиз,
Оворамиз ўзимиз билан.
Ҳа деганда ҳол сўролмаймиз,
Бир дардлашай, келинг, сиз билан,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Ҳол сўрайин, онажон, сиздан,
Бир билайн, отажон, сиздан,
Кўнгил тўқми ўғил ҳам қиздан,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Фарзанд дея сизлар беором,
Оқладими ишончни улар?
Қилмадими ҳаётда гирром,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Гоҳ бораман, маъюсдир қишлоқ,
Хазин куйлар сойдаги булоқ,
Сокин куздек кўчалар мудроқ,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Гўзал қизлар, бурманг лабларни,
Кўрмоқдасиз ўнгу чапларни,

Қўйинг қўйди-чиқди гапларни,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Эй укам, сиз навқирон ёшда,
Минг бир хаёл чарх урап бошда,
Кўнглингиз бор ҳар қалам қошда,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Тақдир бизни синайди кўп бор,
Дуч келади гоҳ дўст, гоҳ ағёр,
Хоҳ сиз мискин, хоҳ сиз амалдор,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Кўпни кўрган оқсоқол бобо,
Сиз айтдингиз кўп мақол, момо,
Баён этинг аслин, ҳой бобо,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Армонларни елкага ортиб,
Бормоқдамиз қуёшдек ботиб.
Гоҳ ийфлатиб, гоҳо куйлатиб,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...

Эй, сиз доим шошар одамлар,
Эсиз, шошиб яшар одамлар,
Мудом “кам” деб, яшар одамлар,
Умр қандай ўтмоқда, айтинг...



ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Умр — изтироблар ортилган карвон,
Бахтнинг манзилини излаб борадир.
Ҳижрон сахросида чанг солар армон,
“Бевафо дунё”деб, бўзлаб борадир.

* * *

Лаҳзанинг парвози асрга дохил,
Менинг бардошларим сабрга дохил.
Бу уммон ичра сен талпинма ҳар ён,
Ахир барчамизга фақат бир соҳил.

* * *

Замин Фарбдан Шарққа томон айланар,
Қуёшга тикилган “Хаёлий нуқта”.
Фалак ичра минг бир замон айланар,
Ҳамон бизга жумбок азалий нуқта.

* * *

Кўнгил ичра армон яширин,
Оҳ тортади ошиқлар ҳамон.
Билолмадик бу ишқнинг сирин,
Ўтганлардек биз ҳам лол, ҳайрон.

* * *

Кўзнинг кўргани ҳам баъзида сароб,
Мудом нур истайди кўнгилнинг ўзи.
Маккора дунёнинг юзида никоб,
Ҳамон бизга сирдир ҳақиқий юзи.

* * *

Дерлар, Навоий назмида шакар бор,
Татиб кўр, айтарсан: “Боли-ку бисёр”.
Кимки бир сатрини дилга қилмиш жо,
Билсинки, у умр кетмабди бекор.

* * *

Ўқи тийран, жон китоб, жонон китоб,
Ҳазрати Саъдий ҳам кўнгилга офтоб.
Инсонлиғ илмида сирлашсанг бўлур,
Сатри тўла меҳр, бир дилкаши ноёб.

* * *

Она ер айланар ўзин ўқида,
Кўзини узмайди бобо қуёшдан.
Улардан туғилган “хаёлий нуқта”
Вақт эрур, қаноти нур ва оташдан.

* * *

Дунёни ягона атаймиз-у, лек,
Халқлар бирлигини ололмаймиз тан.

Ажиб феълимииз бор – ҳаммамиз ерлик,
Аммо ажратамиз – оқ тан, қизил тан.

* * *

Ўзини овутиб ўтирап бола,
Мурғак дунёсига ётдир қайғулар.
Унга тикилади мўлтираб она,
Махзун юрагида ташвиш, орзулас...

* * *

Она қалбига яширин илохий сехр,
Уни эъзозлаган баҳтин топади.
Она билан тирик оламда меҳр,
Онасиз дунёни ким юпатади?..

* * *

Ҳаёт синовлардан иборат, дўстим,
Машакқат қўрғони ичра пинҳон баҳт.
Чексиз коинотда муаллақ замин,
Унинг бошида ҳам минг бир мешакқат.

* * *

Инсон – юрак, ақл, нафс орасида
Муроса йўлини қидирар ҳамон.
Тарихи битилган дунё дарсида
Такрорланар мавзу – ушалмас армон.

МУНДАРИЖА

Дебоча	3
Ишон, онажон!	5
Ватан	7
“Қуёш бўлиб порлашим мумкин...”	8
Онамга.....	9
Одам боласи.....	10
Табиат.....	12
Ватан шаънимиздир.....	13
Жаҳолатга қарши.....	14
Ташвишлар	15
Ҳолат	16
Умримни қизғонсам...	17
Васлинг	18
Ойдин тун	19
Шахмат ҳақида	20
Тун	21
Мен бир қушман.....	22
Одат	23
Дунё	24
Ишқ афсуни	25
“Эй, дилбари дилором...”	26
Тушкунликда	27
Шеър.....	28
Куз.....	29

Кўрмоққа кўзим йўқ...	30
“Кўзларинг қароси...”	31
Баҳор	32
“Умр ўтар...”	33
“Яратган қисматга...”	34
Она Ватан.....	35
Тонг.....	39
Саратон.....	41
Сентябрь.....	42
“Бобом айтган афсонага ўхшайсан, дунё...”	43
Қалбини тингла	44
Эйфель минорасига.....	45
Лола дарахти.....	46
Қаламим	48
Хотира	49
Башорат	51
Тўлин ой.....	52
Ўтинч.....	53
Қор ёға бошлади.....	54
Нигоҳларим тушса	56
Баҳор қадами	57
Қиши.....	58
Дунё кенг	59
Қалам ва қоғоз	60
Болажон.....	61
Вақт	62
Ҳаёт чироқлари	64
“Сир” деган одоб	66
Отамнинг дуоси.....	68
Ёлғизлик.....	69

“Кунлар ўша-ўша, тунлар ҳам ўша...”	70
Юрагимнинг каштани...	71
Вақт изи.....	73
Дилдан севсанг...	74
Шимолий денгизга	75
Кулаётган одам	76
Ноябрь	77
Хаёллар	79
Умр қандай ўтмоқда...	80
Тўртликлар.....	82

Адабий-бадиий нашр

Икром Нарзулло

ВАҚТ ИЗИ

Шеърлар

Мухаррирлар: *Абдулжалил Хўжам,*
Даврон Улугмуродов

Бадиий мухаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник мухаррир *Екатерина Корягина*

Мусаххих Доно Тўйчиева
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09.

Босишга 2014 йил 30 январда рухсат этилди.
Бичими 70x90^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
3,22 шартли босма тобоқ. 1,83 нашр тобоғи.
Адади 1000 нусха. рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faғур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди. 100128. Тошкент.
Шайхонтохур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.gglit.uz
E-mail: info@gglit.uz